



# O'ZBEKISTON OVOZI

## ТИББИЁТИМИЗ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да «Соғлиқни сақлаш — ТИНе 2012» халқаро тиббиёт кўргазмаси давом этмоқда

17-халқаро соғлиқни сақлаш, 7-Марказий Осиё фармацевтика sanoati, «Ўзбекистон стоматологияси» кўргазмаларини ўз ичига олган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзфармсанот» давлат акциядорлик концерни, «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йилларидан Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилди. Сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берувчи, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва турли йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни қамраб олган тиббий муассасалар тармоғи ташкил этилди. Виллоятларда катталар ва болалар учун кўп тармоқли шифохоналар, янги туғуруқ мажмуалари барпо этилди, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, хусусан, қишлоқ врачлик пунктларининг базаси мустаҳкамланди.

— Мазкур кўргазмада илк марта иштирок этаёмиз, — деди «Double Engine Medical» компанияси бош менежери Луо Жоунг (Хитой). — Компаниямизда ортопедия, педиатрия ва жарроҳликда кенг фойдаланиладиган махсус асбоблар ва ускуналар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қисқа даврда барча соҳаларда, жумладан, тиббиётда улкан ютуқларни қўлга киритди. Мамлака-

га жавоб берадиган шифохоналар барпо этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва қўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Компаниямиз ортопедик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди «Dynamec Techno Medicals» компанияси директори Срикумар Менон (Хиндистон). — Мазкур кўргазмада иштирок этишимиздан асосий мақсад Ўзбекистоннинг тиббиёт бозори билан яқиндан танишиш, бу ердаги талаб ва таклиф кўрсаткичларидан хабардор бўлиш баробарида мамлакатнинг тиббиёт муассасалари ва бу йўналишда иш олиб борувчи фирма ва компаниялари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилдишдан иборат.

— Ўз фаолиятини 2010 йили бошлаган компаниямизда илгор технологиялар асосида тиббиётнинг барча соҳаларида кенг қўлланиладиган стерилланган ва стерилланмаган бинглар, махсус пахта, эластик белбоғлар ва тозалаш салфеткалари каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, — дейди «Elastikum» корхонаси директори урин-босари Феруза Тўрақуллова. — Экологик тоза хомашёдан тайёрланадиган маҳсулотларимиз барча гигиена ва санитария талабларига мувофиқдир. Ҳозир маҳсулотларимизни хорижий мамлакатларга экспорт қиляёмиз.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳаси, хусусан, фармацевтика тармоғи ривожини унун қаратиладиган улкан эътибор ва ғамхўрлик «Elastikum» каби компанияларнинг муваффақиятли фаолият юритишида ҳам муҳим омил бўлмоқда.

**Кўргазмада йигирма икки мамлакатдан бир юз ўттиздан зиёд компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Жумладан, Австралия, Беларусь, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Хиндистон, Хитой, Молдова, Нидерландия, Покистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Қозғоғистондан келган ишлаб чиқарувчилар замонавий тиббий технология, дори-дармон, тиббий техникасини кенг намойиш этмоқда.**

тингизда тиббиёт соҳасида олиб бориладиган туб ислохотлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат тизимини тўлиқ модернизациялаш, аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талаблар-

«Соғлиқни сақлаш — ТИНе 2012» халқаро тиббиёт кўргазмаси доирасида «Бош мия жароҳатида замонавий диагностика ва терапия» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

### «Фаол аёллар» қаноти



Муродбек ЭИЕ олган суратлар.

## СОҒЛОМ ОНА

соғлом келажак таянчи

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Шайхонтоҳур туманида ташкил этилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вакиллари иштирок этди. «Фаол аёллар» қаноти етакчиси М.Абдурахмонова давра суҳбатини бошлаб берар экан, бугун қанот фаоллари олдида турган долзарб масалаларга тўхталиди.

**Назира МАТЭҚУБОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Соғлом оилани соғлом авлоднинг дунёга келтириш ва тарбиялаш мумкин. Шу боис, юртимизда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратиляпти. Масалан, 2011 йил 5,9 миллион нафар хотин-қиз тиббий кўриқдан, 150 мингга яқин аёл скрининг текширувдан ўтказилди.

Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомилдор аёл поливитамином билан таъминланди. Энг муҳими, бу эзгу ишлар ўз натижасини бераёпти. Кейинги 10 йилда туғма нуқсон билан туғилиш ҳолати 32,4 фоизга камайгани, хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга узайгани фикримиз далилидир.

Шунга қарамай, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўп.

Биринчи навбатда, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг тиббий мада-

ниятини янада ошириш, йигит-қизларнинг соғлом оила борасидаги тушунчасини бойитиш зарур. Ҳар бир депутат сайловчилар билан учрашувда бу масалага алоҳида эътибор қаратиши керак. Шунда, оила мустаҳкамлигини таъминлашга, ижтимоий муаммолар бартараф этилишига ҳисса қўшган бўлади.

**Муҳаддас РАҲМАТУЛЛЕВА, Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника бosh шифокори, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:**

— Ҳозир қизларни вақтли

турмушга бериш камайди. Аммо ҳамон яқин қариндош билан қудда бўлиш ҳолатлари учраб турибди. Маълумки, бундай никоҳлар дунёга келадиган фарзанд саломатлигига жиддий хавф солади. Шундай оилаларнинг аксариятида хаста ва ногирон фарзандлар туғилаяпти. Ўйлаб қолсан киши, нахотки одамлар ён-атрофида юз бераётган шу каби салбий ҳолатни кўра-била туриб, ўзлари учун хулоса чиқариб олишмайди? Нахотки, ота-она ўйламай бундай иш қилиши ўз авлодининг ҳаёти барбод бўлишига олиб келишини тушунмасан? Назаримда, уларнинг бу борадаги дунёқароши, тиббий маданияти ҳали тўлиқ шаклланмаган. Бу эса барчамизнинг олдимизга талай вазифалар қўяди. Чунки, тиббий саводхонлиги юқори одамгина оилада соғлом турмуш тарзи

қарор топишига интилади, унинг талабларидан келиб чиқиб иш кўради. Биз учрашувлар давомида кишиларга эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар никоҳининг салбий оқибатларини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб беришимиз лозим.

**Элимра МИРВАФӨЕВА, Ибн Сино номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоли:**

— Ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиши масаласига ҳам жиддий эътибор бериш керак. Турмуш қуриш арафасида турган ёшлар тиббий кўрик — соғлом оила пойдевори бўлишини унутмаслиги зарур. Айрим жойларда тиббий кўриқни никоҳдан сўнг амалга ошириш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Демак, йигит-қизларнинг бу борадаги тушунчасини кенгайтириш борасида ҳали қилинадиган ишлар кўп.

(Давоми 2-бетда.)

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## АМАЛИЁТНИ ЎРГАНИШ ЯКУНЛАРИ

муҳокама қилинди

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Жарима тариқасидаги жиноий жазони қўллаш амалиётини Тошкент вилоятида ўрганиш якунлари ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунда жиноий жазонинг либераллаштирилиши, хусусан, жарима тариқасидаги жиноий жазонинг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этди. Кўмита йиғилишида мазкур жазо институти, унинг қўлланилиши ва ижро жараёнини ўрганиш, шундан келиб чиқиб, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда таъсирчан омил жазо муқарраллиги тамойили ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши курашда жарима жазосини қўллаш жазо мақсадига эришишнинг самарали усулларидан биридир. Чунки, жарима тариқасидаги жиноий жазо қўлланилган шахс оиласи, иши, ўқиши ёки бошқа ижтимоий фойдали фаолиятидан ажралмаган ҳолда маблагни тўлаши, шу орқали жазони ўташи мумкин. Бу жазони ўтаб қайтган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий, хусусан, ишга жойлаштириш масаласини ҳал қилишга, жиноятчилик камайишига ижобий таъсир кўрсатади.

«Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан жарима жазосини ижро этиш тартиби янада такомиллашди.

**Тошкент вилоятида ўтказилган ўрганиш натижалари шунини кўрсатдики, жиноий жазонинг либераллаштирилиши судларнинг жарима жазосини қўллаш имконини оширишга хизмат қилмоқда. Уни тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқарраллиги тамойилларига қатъий амал қилинаётир.**

Йиғилишда бу борада амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, жарима тариқасидаги жиноий жазони қўллаш ва унинг ижросини таъминлашда йўл қўйилган айрим камчиликларга эътибор қаратилди. Хусусан, вилоятда дастлабки тергов жараёнида айбланувчининг мол-мулкни хатлаш бўйича ҳаракатлар лозим даражада бажарилмагани, жарима тариқасидаги жиноий жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда инobat-га олинини лозим бўлган ҳолатлар баъзи ҳолларда эътиборсиз қолдирилгани, суд ижрочилари жаримани ундириш чораларини ўз вақтида кўриб бормагани, айрим ташкилотларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги ишлари талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзолари, шунингдек, мутахассислар юқоридаги каби камчиликлар келиб чиқишининг сабабларини атрофлича таҳлил қилди. Уларни бартараф этиш, шу билан бирга, жарима тариқасидаги жиноий жазони қўллаш ҳамда уни ижро этишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

**Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

### Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

## СУВ МАНБАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Бу борада ҳуқуқий асосни такомиллаштириш — давр талаби

## БОЖХОНА: ИҚТИСОДИЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ, ИСТЕЪМОЛ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Божхона идоралари олдида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражасини янада кўтариш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва ички бозорни ҳимоялаш, республиканинг экспорт салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини сақлаб қолиш, истеъмол бозорини контрафакт маҳсулотлардан ҳимоя қилиш вазифалари қўйилган. Бу вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши — республика ҳудудида контрабанда йўли билан товар-моддий бойликлар, жумладан, контрафакт маҳсулотлар олиб ўтилишини бартараф этиш билан узвий боғлиқдир.

Ушбу масалалар бўйича муҳбиримиз Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Ахборот хизмати бошлиғи Беҳзод Бердиев билан суҳбатлашди.

— **Давлат божхона кўмитаси ва унинг таркибий тузилмалари давлат ва жамиятимизнинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутаяди. Суҳбатимизни божхона ходимлари фаолиятининг бевосита аҳоли ҳаётига дахлдор, истеъмол хавфсизлигини таъминлашга оид жиҳат-**

**ларига қаратсак.**

— Ўтган йили божхона ходимлари контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига оид 28,5 мингдан ортиқ ҳолатни аниқлади. Уларни бартараф этиш натижасида 110 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги ноқонуний олиб ўтилган товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Аниқланган ҳолатларнинг 938

таси бўйича жиноят иши кўзга тилинган бўлса, 26 мингдан зиёд ҳолат юзасидан маъмурий иш юритилган.

Шундан 121 ҳолатда 185,6 килограмм гиёҳвандлик воситалари, 29 ҳолатда 31 та ўқотар қурол, 14 ҳолатда 770 та экстремистик мазмундаги аудио-видео маҳсулоти ушлаб қолинди.

Республика чегараларида

божхоначилар томонидан 227,8 минг литр ёнилғи-мойлаш материаллари, 526,1 тонна рангли ва қора металл, 243,2 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 1 миллион 195 минг қути тамаки маҳсулотлари, 40,1 минг литр ўсимлик ёғи, 296 бош уй ҳайвони ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

→ 3

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# СУВ МАНБАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Бу борада ҳуқуқий асосни такомиллаштириш — давр талаби

Сув — ҳаёт манбаи. Азалдан халқимиз сувни табиатнинг бебаҳо неъматига деб билган ва уни тежаб, оқилона фойдаланишга эътибор берган. XX асрга келиб, инсоннинг табиати бўйсундиришга уриниши, иқлим ўзгариши, сувнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатда исроф қилиниши, айрим давлатларнинг ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиши жиддий хавф-хатар тугдирмоқда.



Жўрақузи Қўлдошев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Маълумотларга кўра, ҳозир дунёнинг 1 миллиарддан кўпроқ аҳолиси тоза ичимлик сувисиз қийналяпти. Бутунжаҳон Сув Кенгаши маълум қилишича, 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг учдан икки қисми чуқур сув танқислиги муаммосига дучор бўлади.

Сув хўжалиги иншоотларини такомиллаштириш ва замонавийлаштириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, сувни тежайдиган технологиялар (томчилатиб, ёмғирлатиб, эгатга плёнка тўшаб, эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш) кенг жорий этилмоқда. Сув хўжалигининг энг қўйи бўғинида сувдан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солиш мақсадида 1497 та Сув истеъмолчилари уюшмаси ташкил этилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ҳаётга татбиқ этилди, шу асосда коллектор-дренаж тармоқларида тизимли реконструкция ва тозалаш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Кўриниб турибдики, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, бу борада ҳуқуқий асосни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси.

Унга асосан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид 10 та Қонун ҳужжатларига, жумладан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 98 фоизи суғориш деҳқончилик ҳиссасига тўри келади. Суғориладиган майдонларни ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини сув билан таъминлаш учун 180 минг км. канал, 141 минг км. зовур, 55 та сув обдоридан иборат сув хўжалиги тизими ташкил топган. Унинг самарали ишлаши учун ҳар йили Давлат бюджетидан катта маблағ ажратилмоқда. Жорий йилнинг 12-17 март кунлари Франциянинг Марсел шаҳрида бўлиб ўтган 6-Бутунжаҳон Сув Форумида Ўзбекистонда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалга оширилган қўшимча ишлар, хусусан, қишлоқ хўжалигида сув сарфи камайишига эришилгани алоҳида таъкидланди.

Тегишли қонунчиликда сувдан оқилона фойдаланиш, уни тежайдиган технологияларни ҳаётга жорий этиш, гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилашга қаратилган бир қанча меъёрлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш,

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришга асосан Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) Сув истеъмолчилари уюшмаларига (СИУ) айлантирилиб, уларнинг мақоми, мажбурият ва вазифалари аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришга биноан сувдан фойдаланиш қоида-

айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонундир.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришга асосан Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) Сув истеъмолчилари уюшмаларига (СИУ) айлантирилиб, уларнинг мақоми, мажбурият ва вазифалари аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришга биноан сувдан фойдаланиш қоида-

ларини бузган шахсларга қўлланиладиган жарималар миқдори икки бараварга ошди. Бу, сувдан фойдаланувчилар ва истеъмолчиларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади, албатта.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари сув ва сувдан фойдаланишга доир қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорлик қилмоқда. Хусусан, «Сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш тартиби» бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди ва кўриб чиқиш учун Вазирлик Маҳкамасига тақдим қилинган.

Бундан ташқари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиати муҳофаза қилиш давлат Қўмитаси билан ҳамкорликда «Сувдан махсус фойдаланиш ва сувни махсус истеъмол қилиш учун рўхсатнома бериш тартиби» бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди, келишиш учун тегишли вазирлик ва идораларга киритилди.

«Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқ бўйи минтақа майдонлари ва санитария муҳофаза зоналари тўғрисида»ги Низом» лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур ҳужжатларда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, сув ифлосланиши ва каммайиб кетишининг олдини олиш билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратилган.

Қонун ижроси билан кучли. Шу боис, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижросини мунтазам ўрганиб бориш, ҳуқуқни қўллаш соҳасида юзага келадиган нуқсонларни аниқлаш, йўл қўйилаёт-

ган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳаётий тақлифларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йили тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги ижроси таҳлилий ўрганилди. Шу асосда қонундаги меъёрларни ҳаётга янада самарали татбиқ этиш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди, қонун ижросидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган муайян тадбирлар белгилаб олинди.

Шу ўринда айтиш керакки, тегишли қонунчилик бўйича тақлифлар сув хўжалигига доир қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Сув истеъмоли ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни бир тизимга солиш нуктаи назардан қараганда, Сув кодексини ишлаб чиқиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан бирга иш олиб бормоқда. Сув кодексининг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг «Зарафшон дарё хавзаси учун сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш ва сувни тежаш режаси» қўшма лойиҳаси доирасида ишчи гуруҳи илмий-амалий семинарлар ташкил этилди.

Сув манбаларидан оқилона фойдаланиш бўйича қонунчилик такомиллаштириш қишлоқ хўжалиги замонавийлаштиришга, экотизим яхшилланишига, бир сўз билан айтганда, тирчилик манбаи бўлган сувга муносабат ўзгаришига замин яратаяди.

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида



ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, Хоразм ва Жиззах вилоят Кенгашлари пленумлари бўлиб ўтди. Ўз-ўзини танқид руҳида ўтган йилги ишларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2011 йилги якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳамда партия ташкилотларининг бугунги фаолияти муҳокама қилинди.

## ҲАР БИР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

ва депутатлар талаб даражасида ишлаши зарур

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика Кенгашининг навбатдаги пленумида ёш оилаларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишдаги давлат дастурлари ижросини изчил мониторинг қилиш ҳамда кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларга эътибор қаратилди.

камчиликлар борлиги айтилди. — Ўтган йили маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз турли қорхона, ташкилот ва бошқармаларга 40 дан зиёд депутатлик сўрови билан мурожаат қилишди, — деди вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Акрам Иномов. — Уларда электоратимиз вакилларининг ҳаётий манфаатига дахлдор муаммоларнинг ечими бўйича амалий тақлифлар билдирилган. Афсуски, уларнинг баъзи бирлари мутасаддилар томонидан эътиборсиз қолдирилди. Депутатлик сўровига бундай масъулиятсиз муносабатга қарши чора қўришда бизда қатъият этишмади. Шунингдек, вилоят Кенгаши депутатлари партия тadbирлари, сиёсий ўқув машғулотларида деярли иштирок этмапти. Бу эса депутатлар билан партия кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганини кўрсатади.

— Ўтган йили партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш ишлари ҳамда кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларга эътибор қаратилди. — Ўтган йили партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш ишлари ҳамда кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларга эътибор қаратилди. — Ўтган йили партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш ишлари ҳамда кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларга эътибор қаратилди.

Пленумда шу каби камчиликлар сабаби ўрганилиб, уларни ҳал этиш учун аниқ режа белгиланди.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида асосан бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Улар жойлардаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятини танқидий нуктаи назардан баҳолаб, эътибор қаратилиши лозим бўлган камчиликларга тўхтади.

— Айни пайтда, туманда обод-таъминлашнинг, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жонлантириш масаласида камчиликлар оз эмас, — дейди Бюғот тумани «Пахтақор» ҳудудий ташкилот етакчиси Омонгалди Отажонов. — Яратиб берилган шарт-шароит ва имкониятлардан депутатлар ва партия фаоллари етарли даражада фойдаланма олмаяпти. Қолаверса, аҳоли, айниқса, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган кишилар, шунингдек, ёшлар бандлиги, уларни оилавий тadbиркорлик ҳамда касаначиликка жалб қилиш бора-бора кам қилиниши лозим бўлган бошланғич ташкилотларда ўтказиш, тadbирлар таъсирчанлигини ошириш асосий вазифалардан экани қайд этилди.

Шунингдек, пленумда партия ташкилотларининг бошқа йўналишлардаги фаолияти ҳам атрофлича таҳлил этилди. Депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ўртасида изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўйи бўғинларни салоҳияти етакчилар билан таъминлаш ҳамда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни давр талаби даражасида, кўпроқ бошланғич ташкилотларда ўтказиш, тadbирлар таъсирчанлигини ошириш асосий вазифалардан экани қайд этилди.

Шунингдек, ўтган йили Урганч шаҳар, Урганч, Шовот туман Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари ўз ишига масъулиятсизлик билан қарагани, ўз ваколатидан самарали фойдаланмагани, суствашликка йўл қўйгани қаттиқ танқид қилинди. Ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар заруратига жиддий ва амалий вазифалар юкланган ҳозирги даврда локалликка берилиш, ўзидан-ўзи қайтаришга йўл қўйиш билан асло келишиб бўлмаганини қайд этилди.

Жиззах вилоят Кенгаши пленумида 2011-2012 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини амалга ошириш бўйича қатор ишлар қилингани таъкидланди. Айниқса, Жиззах шаҳри, Ғалларол, Пахтақор, Мирзақўл, Фориш ҳамда Зафаробод туманларида депутатлар электротат манфаатига хизмат қиладиган масалалар юзасидан амалий тақлиф, ҳаётий ташаббуслар билан чиқишгани, улар доимий комиссияларда кўрилиб, шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларида муҳокама қилингани қайд этилди.

Шу билан бирга, Зомин, Бахмал, Дўстлик, Зарбдор, Янгиобод ва Арнасой туман партия кенгашлари Ҳаракат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда суствашлик қилаётгани таъкидланди. Бундан ташқари, янги иш ўрини очишда муносиб хисса қўшиш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги машғулотлар савияси, самардорлиги ва таъсирчанлигини оширишда жиддий

Бир нарса аниқки, партия дастуридаги вазифаларни, четдан келиб ҳеч қим ҳал қилиб бермайди. Қайси партия бўлишидан қатъи назар, ўз зиммасига олган масъулиятни ҳис этиши, партия етакчилари, депутатлари ташаббускор ва фидойий бўлиши талаб этилади.

Шу билан бирга, Зомин, Бахмал, Дўстлик, Зарбдор, Янгиобод ва Арнасой туман партия кенгашлари Ҳаракат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда суствашлик қилаётгани таъкидланди. Бундан ташқари, янги иш ўрини очишда муносиб хисса қўшиш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги машғулотлар савияси, самардорлиги ва таъсирчанлигини оширишда жиддий

Гулрўх ОДАШБЕКОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Рейимбой ЕШИМБЕКОВ, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

«Фаол аёллар» қаноти

# СОҒЛОМ ОНА

соғлом келажак таянчи

Шу ўринда бир тақлим бор. Маҳалла мутасаддилари ниҳоддан олдинги тиббий кўриқнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўпроқ тарғибот қилса, ота-оналар билан ҳамкорликда бу масала алоҳида назоратга олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

рур. Биз «Мустақам оилани шакллантиришда фарзанд тарбиясининг ўрни», «Соғлом оила — келажак пойдевори», «Оила мустақамлигида аёлнинг ўрни», «Соғлом авлод — юрт келажак» каби мавзуларда давра суҳбати ва амалий семинарлар ўтказаяпмиз. Унда соғлом турмуш тарзи талаблари, репродуктив саломатлик, вақтли никоҳ асорати тўғрисида тўшунчалар берилаяпти. Бу тadbирларга ота-оналар, соҳа мутахассислари, жумладан, педагог-психолог ва тиббиёт ходимларини кенг жалб

Гушан АСАТОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти аъзоси: — Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустақамлаш, ёш оилалар билан ишлаш, тиббий назоратни изчил йўлга қўйишда «Фаол аёллар» қаноти ҳам ташаббус кўрсатиб ишлаши, депутатлар, шунингдек, маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликни мустақамлаш за-

этиш керак. Шунда, катта ҳаёт ости-насида турган ёшлар ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватлаган жавоб олиш имконига эга бўлади.

Умидда АЛИМАРДОНОВА, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Шайхонтоҳур туман бўлими мутахассиси: — Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — бу бевосита жамият келажакига дахлдор масала бўлгани учун жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ

қилаяпмиз. Хусусан, «Фаол аёллар» қаноти билан бирга кам таъминланган, ижтимоий ҳиммага муҳтож аёлларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш акциясини ўтказиб келаяпмиз. Бу йил тadbир қўламини янада кенгайтириш ҳаракатидамиз. Биз акция орқали туманимиздаги ҳар бир хонадонга кириб бориш ниятидамы. Мухими, бу борада амалга оширилган барча саясий-ҳаракатлар соғлом оилани шакллантиришга хизмат қилади. Бундай оиланда эса соғлом авлод дунёга келади.

Давра суҳбатида йўналтирилган қизларни қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилишди. Шунингдек, тadbир сўнида тиббий кўриқ акцияси ўтказилиб, аёлларга маслаҳатлар берилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Партиялараро баҳс

# САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ ВАЗИФАЛАР

ўз-ўзидан бажарилмайди

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар фаол иштирок этиш учун зўр бўлган ҳуқуқий асослар етарли даражада яратиб берилган. Бу имконият ва ваколатлардан қандай фойдаланиш сиёсий партия етакчилари ва депутатлари фаоллиги, салоҳиятига боғлиқ.

лар билан тўлдириш, «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ саноат салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари очиб борадики ишлар кўриб чиқилган, мавжуд муаммолар атрофича муҳокама қилинган. Уларни бартараф этишга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинган. Аммо сессияларга ЎзМТДПдан сайланган 6 нафар депутат бирон-бир масала олиб чиқмаган. Доимий комиссиялар фаолиятида ҳам уларнинг иштироки суст.

четда қолмоқда. ЎзМТДПнинг Сайловолди дастурида «Партия иқтисодий-дунёнинг барқарор ривожланишини, унинг янада эркинлашувини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойилларининг амалга оширилишини таъминлашга — халқ фаровонлигини ошириш ва ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишончли асос сифатида қарайди», деб белгилаб қўйилган.

Савол туғилади: бу партия депутатлари Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни унутдими ёки бу масалалар ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ўйлашяптими?

Айниқса, ислохотлар самардорлигини ошириш билан боғлиқ муҳим вазифалар ижроси партия ташкилотлари ва уларнинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларидан жиддий эътибор талаб этади. Улар партия дастурий мақсадларига боғлиқ масалаларни чуқур таҳлил этиши, ҳаётий тақлиф ва ташаббуслар билан чиқиши лозим.

Вохоланки, ЎзМТДП Сайловолди дастурида белгиланган қатор ҳаётий масалалар партия депутатлари эътиборидан

Аммо Ғалларол туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг ўтган вақт давомида иш берувчилар билан хо-

Акс ҳолда сиёсий партиянинг жамиятда таъсир кучи сезилмайди, депутатларига ишончи ҳам сусаяди. Буни ЎзМТДПнинг халқ депутатлари Ғалларол туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ми-

солида кўриш мумкин. Маълумотларга кўра, ўтган йили Ғалларол туман Кенгашининг 6 та сессияси бўлиб ўтган. ЎзХДП депутатлик гуруҳи туман Кенгаши сессиясига иккита масала қўйди. Шу асосда қайта ишлаб чиқариш қорхоналарини ривожлантириш ҳисобига истеъмол бозорини сифатли ички маҳсулот-

Савол туғилади: бу партия депутатлари Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни унутдими ёки бу масалалар ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ўйлашяптими?

# БОЖЖОНА: ИҚТИСОДИЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ, ИСТЕЪМОЛ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

2011 йилда божжона тизимида мустақил ҳамда бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор кидирув тадбирларида 45,7 минг дона психотроп таблетка, 7,5 килограмм порох, 3635 та патрон, 51 минг дона капсула, 56,1 минг дона пиротехника воситалари аниқланиб, олиб кўйилди.

**Мулоҳаза:** статистика қуруқ маълумотлар йиғиндиси эмас. Хар бир рақам остида одамлар ҳаёти, саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ётибди. Уйлаб кўринг-а, айтилган гиёҳвандлик воситалари, курол-яроғ, порох, патрон, пиротехника ашёёлари ушлаб қолинмаса, минглаб, ўн минглаб юртдошларимизнинг тинч-осойишта ҳаётига раҳна солинган бўлар эди. Экстремистик мазмундаги аудио-видео маҳсулотлар эса ҳали дунёқараши шакланмаган ўсмир ёшларнинг онгини захарлар эди.

**Божжона идоралари томонидан мамлакат ички қисмига олиб киришга уриниш чоғида ушлаб қолинган ярқисиз, истеъмол учун зарарли маҳсулотлар нима қилинади?**

— Ўзбекистон Республикасининг «Товарлар ва хизматларнинг сертифицирлаш тўғрисида»ги ва «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлар доирасида иш қўрилади. Божжона органлари тегишли давлат назорат идоралари билан ҳамкорликда 2011 йил давломида умумий қиймати 7 миллиард 63,5 миллион сўм бўлган товарларнинг сифатсизлигини аниқлаб, ички бозорга киришининг олдини олишди.

Аниқланган сифатсиз товарларнинг 76,7 фоизи божжона назорати остида йўқ қилинди, 14,1 фоизи экспортёр давлатларга қайтариб юборилди, 0,4 фоизи ўзга мақсадларда қўллаш ва қайта ишлаш учун расмийлаштирилган, 8,9 фоизи ҳудудий божжона бошқармалари томонидан назоратга олинган.

Сифатсиз товарларнинг 34,4 фоизи дори-дармон, 30,4 фоизи тамаки, 4,5 фоизи спирт ва алкоголь маҳсулотлари, 30,7 фоизи бошқа маҳсулотлардир.

**Мулоҳаза:** ноқонуний равишда сифатининг тайини йўқ товарларни республикага олиб келиб мўмай фойда қўришдек ноҳалол ишга қўл урган кимсаларга ҳар қанча жазо берса арзийди. Аммо мавжуд қонунлар асосида импорт шартномалари тузиб, тижорат қилаётган шахслар маҳсулот сифатини нега жойида текширмайди, нега масалага лоқайд қарайди? Яхши ҳам, сарҳадларимизда давлати ва халқига садоқат билан хизмат қилаётган посбонларимиз бор.

**Божжона ходимларининг контрафакт товарларни аниқлашдаги ва уларни республика ичиде кўпайтириб, иқтисодий тизимга зарар келтиришининг олдини олишдаги иштироки тўғрисида тўхталсангиз?**

— Дунёнинг барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлари қатори мамлакатимиз

иқтисодиёти ва аҳолисининг саломатлигига жиддий хавф солаётган асосий омиллардан бири — ноқонуний йўллар билан сифатсиз товар-моддий бойликларини олиб кирилиши ҳисобланади.

Бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари қатори божжона идоралари мақкур йўналишда юклатилаётган вазибалар ихросини тўлақонли таъминлашда хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган контрафакт товарларни республикага кириб келиши ва ички ҳудудда хуфиёна тайёрланишига қарши курашиш муҳим ўрин тутди. Шу ўринда контрафакт товар ҳақида тушунча берсак.

**Контрафакт товарлар** — бу савдода юқори нуфуз ва катта маъқега эга бўлган харидоригер товарнинг белгисидан ёки унга ўхшаш бўлган белгилардан, ёрликлари, шартли белгилари ёхуд қадокларидан ҳамда бошқа қиёслаш воситаларидан ноқонуний равишда фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар, кашфиётлар, санъат асарлари, қўшиқлар, куйлар, кино маҳсулотлари, янги техника ва технологияларнинг моделларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, тасарруф этиш ҳамда уларни кўпайтириш орқали ишлаб чиқилган қалбаки маҳсулотлардир.

Республикаимиз ҳудудига қонун

трафакт товарлар олиб келиниши ва олиб чиқилиши ҳамда унинг ички бозорлардаги ноқонуний муомаласини олдини олиш ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар, ҳозирги кунда бир қанча қонун ва қонунности ҳужжатлар ва халқаро хуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади.

Контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кирилиши ва ички ҳудудларда тайёрланишига қарши кураш борасидаги ишлар сарҳисобидан маълум бўладики, мамлакатимиз бозорлари ва савдо мажмуаларида сотилаётган асосий контрафакт товарлар туркумига парфюмерия маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармон ва тиббиёт воситалари, болалар уйинчоқлари, автоулов эҳтиёт қисмлари, канцелярия товарлари, CD ва DVD форматда ёзилган материаллар, уяли алоқа воситалари, маший техника буюмлари ва бошқа маҳсулотлар кирди.

Турли хилдаги лицензияланмаган компакт диск, фильм ёки мусика ёзилган дискларни ёки бародда олиб ўтилиши ва ички бозорда ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида ўтган йили божжона идоралари 260 та ҳолатни аниқлаб, 2012,2 миллион сўм қийматдаги 217 минг донадан ортиқ шу турдаги маҳсулотларни ушлаб қолдишти. 2012 йилнинг ўтган даврида

33 та қонунбузарлик ҳолатида 18,5 миллион сўмлик қийматдаги 30 минг донадан ортиқ лицензияланмаган компакт диск, фильм, мусика ёзилган дискларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

**Ахборот асрида яшаёмиз. Божжона мажмуалари ва постлари фаолиятига ахборот коммуникация технологияси янгиликлари жорий этилиши тўғрисида нима дея оласиз?**

— Республикаимиз божжона тизимида ахборот ресурсларини ривожлантириш бўйича қатор Давлат дастурлари амалда оширилмоқда. ДБКнинг ягона ахборот узатиш тармоғи, ягона автоматлаштирилган ахборот тизими, маълумотлар хавфсизлиги ва уларнинг муҳофаза қилиш тизимини яратиш ҳамда божжона мажмуалари ва постларини замонавий назорат-техника воситалари билан таъминлаш ишлари такомиллаштирилди. Қўмита марказий аппарати, унинг 14 та ҳудудий бошқармаси ҳамда барча божжона мажмуалари ва постлари бугунги кунда ягона ахборот узатиш тармоғига бириктирилган.

Гиёҳвандлик ва психотроп моддалар, қучли таъсир қилувчи захарли ва захарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, курол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи қурилмаларни фойдаланишда замонавий рентген аппарат-

лари, гиёҳванд моддаларни идентификациялаш ва радиацион назорат қилиш воситалари, автомобиль тарозилари, мураккаб қўриқдан ўтказиш оптикаларидан фойдаланиш тобора кенг йўлга қўйилмоқда.

Айни пайтда «Электрон декларациялаш», «Ягона ойна», «Хорижий давлатлар божжона органлари ахборот тизимлари билан маълумот алмашиш», «Халқаро автомобилда ташувчилар иттифоқи билан ахборот алмашиш» каби ахборот тизимлари жорий қилинмоқда.

Хусусан, чегара божжона постларини катта ҳажмдаги юк ва автотранспорт воситаларини сканер қилувчи қурилмалар билан таъминлаш мақсадида чет эл инвестициялари ва грант маблағларини жалб қилиш бўйича қатор ишлар давом эттирилмоқда. 2011 йилда Тошкент вилояти божжона бошқармасининг «Ойбек» ва Сурхондарё вилояти божжона бошқармасининг «Айритом» божжона постларига сканер қурилмалари етказиб берилди. Жорий йилда эса ҳудди шундай сканер Сурхондарёдаги «Фалаба» божжона постига ҳам ўрнатилди.

Олий ҳарбий божжона институти негизда ташкил этилган божжона ходимларининг малакасини ошириш факультетида алоҳида ўқув режалари ва илмий материаллар асосида ахборот технологиялари бўйича ўқув машғулотлари ташкил

этилган. Соҳага жорий қилинаётган ахборот технологиялари божжона назоратини ташкил этишининг асосий механизмига айланиб, мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнининг сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди.

**— Фурсатдан фойдаланиб, газетхонларимизни қизиқтирган яна бир саволни берсам. Хусусан, хорижа чикан фуқаро ўзи билан нималарни божсиз олиб кира олади?**

— Амлдаги меъёрларга мувофиқ жисмоний шахслар ўз эҳтиёжлари учун чегарадош бўлмаган давлатлар ҳудудидан қиймати 1000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган товарларни, чегарадош давлатлардан (Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон) умумий қиймати 10 АҚШ долларидан кўп бўлмаган товарларини божжона тўловларини тўламасдан олиб кириши мумкин.

Шунингдек, фуқаролар тасдиқланган меъёрларга қўра, руҳият бўйича ўз эҳтиёжи учун айрим товарларни акция солиғи тўламасдан олиб кириши мумкин. Ўйриқномага асосан фуқароларимиз 2000 (икки минг) АҚШ доллари миқдоридида валютани руҳсатнома олмасдан, 2000 (икки минг) АҚШ доллари тенг миқдордан ортиқча валютани — Марказий банк ёки валолатли банкларнинг руҳсатномаси билан четга олиб чиқиши мумкин. Мамлакатимизга нақд хорижий валютани олиб кириш барча тоифадаги шахслар учун чекланмаган. Лекин фуқаро ваколатли олиб киришда ҳам, олиб чиқишда ҳам ёзма декларация топшириши шарт.

**Сўхбатдош: Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ.**

## Миллий матбуот марказида

# ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ

қўрсатишининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди

**Унда «Ўзқишлоқхўжаликмашлизи» компанияси бошқарув раиси Нодир Отажонов бугунги кунда фермер хўжалиқларига яратилаётган қулайликлар қўлима тобора кенгайиб бораётгани ҳақида тўхтади.** Шунингдек, Ширкат ва фермер хўжалиқлари, машина-трактор парклари ҳамда ҳудудий «Қишлоқхўжалиқим» акциядорлик жамиятлари учун компания хизматидан фойдаланишда бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгилангани ва лизинг мuddати 7 йилдан 10 йилга узайтирилгани, йиллик лизинг фоииз миқдори 6 фоиизга туширилгани, лизинг тўловларини аввалгидай ойма-ой эмас, балки йилда икки марта тўлаш тартиби жорий этилгани ҳақида маълумот берди.

Фермер ва деҳқонларимизни замонавий техника билан таъминлашда муҳим ўрин тутувчи мақкур компаниянинг барча вилоят марказлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 13 та филиали, битта шўъба корхонаси ишлаб турибди. Улар қирқ турга яқин замонавий ва юқори сифатли қишлоқ хўжалиқ техникасини лизинг асосида фермерларга етказиб бермоқда. Шунингдек, республикамизда 2005 йили 28 та лизинг берувчи корхона фаолият қўрсатган. 2011 йилга келиб, улар 3 баробарга кўпайди ва 85 тага етди.

Компания ўз фаолиятини бошлаган 2000 йилдан бери республикамиздаги 25 миңдан ортиқ қишлоқ хўжалиқ субъектига 590 миллиард сўм қийматдаги 37 миң 500 дона, 2011 йилда эса 133,2 миллиард сўм қийматдаги лизинг асосида етказиб берган. Бу йил 150,3 миллиард сўм қийматга эга техника лизинг тартибда берилди. Компанияда кичик бизнес субъектларига лизинг хизмати қўрсатиш билан бирга, лизинг фаолияти билан боғлиқ консалтинг хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

**Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ**

## Хориж

# ЯНГИ ҚОТИШМА

**товуш чиқармайди**

**Музлаттич ва кондиционерларнинг қандай ишлаши яхши билмайдиган одам топиламаса керак. Улар иш фаолияти давомида, албатта, «дириллаб» туради ва бу товуш бизнинг асабимизга тегади.**

Франциялик олимлар мақкур уй анжомлари товушини бартавраф этиш устида ишлаб, унинг удрасидан чиқдилар: музлаттич ва кондиционерлар учун совутиш мосламаси ясада фойдаланиладиган янги қотишма яратишди. Ушбу қотишма ёрдамда ихчам, тежамкор ва товуш чиқармасдан ишлайдиган музлаттич ва кондиционер ишлаб чиқариш

мумкин. Интернет манбаларида қайд этилишича, қотишма таркиби темир, фосфор, марганец ва германийдан иборат. Бу турдаги кондиционерлар ёки музлаттичлар экологик таллаб жавоб беради — иқлимга салбий таъсир этувчи зарарли фреон газининг ҳавога чиқилишига чек қўйилади, дейишмоқда экспертлар.

## РЕКЛАМАЛАР ВАҚТИ

### тартибга солинди

Хар нарсанинг меъёри бўлгани яхши, деган гап бежиз айтилмаган. Финляндия маъмурияти шу гапга амал қилиб, телерекламалар вақти бўйича меъёр белгиллади. Янги мамлакатлар телерекламалар вақтин тартибга солишчи махсус дастур қабул қилинди. Унга қўра, давлат телеканалларида бир соатда ўн дақиқалик рекламага руҳсат берилди. Бу тартибни бузган

телеканал эса катта миқдордаги жарима жазосига тортилди. Интернет сайтларидаги хабарларга қараганда, сўнгги пайтларда давлат телеканалларида рекламалар бериш вақти ва уларнинг сонини қўйиш кетган. Бу эса телешоубинлар эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Янги қабул қилинган дастурда уларнинг сонини камайтириш назарда тутилган.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.

## XXI аср — интеллектуал бойлик асри

# ИНТЕРНЕТ — БУГУН ВА ЭРТАГА

## III аънавий талабалар медиа-конференцияси бўлиб ўтди

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қoшидаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Sarkot Telekom» Интернет провайдерини, «Ucell» савдо белгиси, UzInfoCOM ахборот технологияларини ривожлантириш ва компьютерлаштириш маркази ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида журналистика соҳасида ахборот технологияларининг ўрни мавзусига бағишланган III аънавий талабалар медиа-конференцияси бўлиб ўтди.** Тадбирни ЎЗМУ ректори, профессор Гофуржон Муҳамедов кириш сўзи билан очди.



— Бу йилги медиа-конференция олдингиларидан фарқ қилади, — дейди **ЎЗМУ интернет журналистика назариси** ва амалиётни кафедраси мудири, сиёсий фанлар номзодини, доцент Шерзоҳон Қудратўжаев. — Олдинги конференцияларда асосан университетимиз талабалари иштирок этишган бўлса, бугун юртимизнинг кўпгина олий ўқув юртиларидан ёшлар ташриф буюришган. Йилдан-йилга иштирокчилар, ҳамкорлик қилишни истовчилар сонини ортиб бормоқда. Кейинчилик бу каби медиа-конференцияларни республикамиздаги бошқа таълим муассасаларида ҳам ўтказмоқчимиз. Конференцияни вилоятларга он-лайн тизимида қўрсатиш режаси ҳам бор.

— Интернет провайдерлар билан ҳамкорликда тайёрланган таҳлилларга қўра, 2011 йилда Ўзбекистонда 7 миллион 550 миң киши интернетдан фойдаланган бўлса,

2012 йилга келиб бу рақам 8 миллион 800 миңга етди, — дейди **ЎЗМУ журналистика факультети талабаси Мурзаффар Дурдиев**. — Ҳозирги кунда юртимизда фаолият қўрсатаётган кўплаб корхона-ташкилотларнинг интернетга ўз веб-сайтини очаётгани қувонарли ҳол, — дейди **ЎЗМУ журналистика факультети талабаси Бобурмурто Мирзааҳмедов**. — «Microsoft» компаниясининг асосчиси Билл Гейтс «Келажакда фақат икки хил компаниялар бўлади: интернет билан ҳамкорлик қиладиган ва бизнесдан кетган компаниялар» деган эди. Дарҳақиқат, ҳар бир муассаса учун ўз веб-сайтини яратиш ва уни сўнгги янгиликлар билан тўлдириб туриш муҳим масалага айланиши керак.

— Бугун интернет бунёдкор ва вайронкор фоялар майдонига айланиб бўлди, — дейди **ЎЗМУ журналистика факультети талабаси Гулноза Шаропова**. — Яқин-яқингача интернет фақат виртуал кўринишда эди, ҳозир реалликка етиб келди. Бугунги кунда дунёда миллионлаб ишчилар интернет орқали ўзларига иш топадилар. Кўплаб ёшлар хорижий олий ўқув юртиларига интернет орқали ўқишга киришяпти. Айни пайтга келиб кўплаб имконияти чекланган одамлар ҳам интернетдан кенг фойдаланмоқда. Айниқса, ма софадан туриб ўқиш усули уларга қўл келмоқда. Интернет ҳаётимизда кўплаб ўзгаришлар қилиш баробарида уни издан чиқариб юбориши ҳам мумкин. Айниқса, ёлгон хабарлар, нопок инсонлар томонидан тўқилган миш-мишлар салбий оқибатларни келтириб чиқаришига кўп бора ғувох бўлганмиз. Шу боисдан ҳам интернет журналистикада фақат манбаларга таянган ҳолда хабар тарқатишни амалга табиқ этишимиз керак.

Медиа-конференциянинг иккинчи қисмида 16 та номина-

ция бўйича қолибларга эсдалик совғалари топширилди. — Мен «Энг яхши талабалар сайти» номинациясида қолиб бўлдим, — дейди **ЎЗМУ журналистика факультети талабаси Жамшидбек Намозов**. — Тайёрлаган сайтим ҳайрат аъзоларига ва тенгдошларимизга маъқул келганидан хурсандман. Ҳозирги кунда айрим юртдошларимизда интернетга нисбатан салбий қарашлар шаклланиб қолган. Биз халқимизга интернетнинг фақат яхши жиҳатларини кўрсатишга маъқулмиз ва шу йўлда ҳаракат қилишимиз шарт. Фақат эзгу ниятларда, яхши амаллар учун. Зеро, бизга фақат эзгу ишлар ярашади.

## Реклама



## Государственное унитарное предприятие «Toshkent Xalqaro Aeroporti»

объявляет открытые тендерные торги для приобретения автопогрузчиков грузоподъемностью 3 тонны — 2 ед. и 5 тонн — 2 ед. для дальнейшей эксплуатации в а/п «Ташкент».

Позиция	Наименование и техническая характеристика оборудования и материалов	Количество в ед.
Лот 1	Автопогрузчик грузоподъемностью — 3 тонны	2
Лот 2	Автопогрузчик грузоподъемностью — 5 тонн	2

**КОНТРАКТНЫЕ УСЛОВИЯ:**  
Условия платежа: 30% предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу; 70% в течение 15-20 дней по факту поставки товара.  
Валюта платежа: узбекский сум.  
Условия поставки товара: самовывоз.  
Срок поставки товара: по возможности сжатый, но не более 60 дней со дня проведения авансового 30% платежа.  
В тендере могут принять участие как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупаемой на тендерной основе продукции. победитель тендера должен обес-

печить сохранение стоимости контракта в течение 12 месяцев со дня объявления его победителем.  
К участию в тендере не допускаются организации и фирмы, находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленном срок все необходимые документы, ненадлежащие исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее 6 месяцев до объявления тендера, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиком, не отвечающие требованиям тендерной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.  
Заявки на тендер и тендерные предложения принимаются по адресу: Рабочий орган Тендерной комиссии.

Куда: Узбекистан 100167, г.Ташкент, Аэропорт ГА, ул.С.Топилова  
Кому: Тендерная комиссия, Председателю Тендерной комиссии а/п «Ташкент».  
Телефон: (99871) 140-28-88, Факс: (99871) 140-28-00,  
E-mail: Omts.tas@uzairways.com  
Дополнительную информацию для участника тендера можно получить по следующим контактам:  
Тел/факс: (99871) 255-46-59 моб. тел: (99897) 710-22-53  
Инструкция участника тендера выдается только по поданной заявке в письменной форме.  
Претенденты, желающие принять участие в тендере могут получить тендерную документацию, которая предоставляется каждому претенденту на плат-

ной основе. Стоимость тендерной документации составляет 100 долларов США.  
Получение тендерной документации производится после предоставления копии платежного поручения на указанную сумму.  
Резиденты Республики Узбекистан оплачивают указанную сумму в национальной валюте по курсу Национального банка на день оплаты.  
Расчетный счет в долларах США: 22696840400185981057  
Расчетный счет в суммах РУз: 22696000800185981001  
В ОАКБ «Asia Alliance Bank» г.Ташкента Республики Узбекистан, МФО (код банка) 01057, ИНН 200640719, ОКОНХ 51300, SWIFT: ASAC UZ 22  
Срок приема заявок на участие в тендере осуществляется до 17.00 часов 4 мая 2012 года.  
Срок приема тендерных предложений осуществляется до 17.00 часов 21 мая 2012 года.

Ижтимоий ҳимоя

# ЭЗГУ МАҚСАД ВА ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР

Мамлакатимизда «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони давом этмоқда.

Юртимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида турли лойиҳалар, тадбирлар ўтказиш анъана тусига кириб бормоқда. «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони ҳам ана шундай тадбирлардан бири саналади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси томонидан уюштирилган ушбу марафон 1 май куни пойтахтимизда поёнига етади.

Марафондан кўзланган асосий мақсад эса саратон касаллиқларига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, кўкрак беги саратонига чалинган аёлларни қўллаб-қувватлаш, касалликнинг олдини олиш учун текширувдан ўтиш зарурлиги ҳақида аёлларни огоҳлантириш ҳамда уларга мунтазам равишда маммография кўриқлардан бепул ўтиш имкониятини яратиб беришдир. Хайрия-марафонидан тушган барча маблағ кўкрак беги саратонига чалинган аёллар учун дори-дармон сотиб олиш ва уларни текширувдан ўтказиш бўйича ташкил этиладиган акцияларга сарфланиши кўзда тутилган. Ана шундай эзгу мақсад ва хайри тадбир ташкилотчилари ташаббуси билан 23 апрель куни пойтахтимиздаги «Жар» стадионидан «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони доирасида илк маротаба республикамизнинг танқили кино ва театр актёрлари, хонанда-ю созандалари, спортчилар, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари иштирокида футбол-шоу уюшти-

рилди. Унда стадионга йиғилган ўн мингдан зиёд мухлис Жаҳонгир Позилжонов, Адиз Ражабов, Алишер Узоқов, Жавлон Шодмонов, Равшан Ҳожиев сингари киноюлдузлари, «Сахро», «Зарба», «Уммон» гуруҳлари, Шоҳруҳон, Алишер Файз, Улугбек Раҳматуллаев каби хонандалар, қизқичилардан Валижон Шамсиев, Шукрулло Исроиловларнинг яшил майдондаги маҳоратларидан баҳраманд бўлишди. «Ҳаёт учун!» хайрия футбол-шоусида дзюдо бўйича жаҳон чемпиони, Пекин олимпиадаси совриндори Абдулла Тангриевнинг футбол майдонидан дарвозабон либосида пайдо бўлиши томошабинлар қутлимлаган воқеа сифатида қабул қилди. Урашулардаги танарфус чоғида Райхон Ганиева, Зиеда, Муниса Ризаева сингари танқили кўшиқчиларнинг чиқишлари футбол-шоуга ўзига хос руҳ ва кўтаринки кайфият бағишлади. Футбол ўйинларини халқимизнинг сеvimли киноактёри Мурод Ражабов ҳамда танқили спорт шарҳловчиси Мирзахакам Тўхтамирзаев-

лар шарҳлаб боришди. Абдулла ТАНГРИЕВ, халқаро тоифадаги спорт устаси, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони, Пекин олимпиадаси кумуш медаль совриндори: — Хасталар ҳолидан хабар олиш, уларни йўқлаш халқимизга хос одат. Биз ҳозир машгулотлар, мусобақалар билан жуда бандмиз. Шу туфайли ташкилотчилар «Ҳаёт учун!» хайрия футбол-шоусига мени таклиф қилишганида бажонидил рози бўлдим. Футбол учрашуларини томоша қилиш, унга мухлислик бошқа, аммо майдонга тушиб тўп суриш бошқа нарса эканлигини бугун амалда яна бир бор гувоҳи бўлдим. Бугун ўз дарвозамдан икки учрашув натижасига кўра, олтига тўп олиб чиққан бўлсам-да, бу менинг кайфиятимга таъсир қилгани йўқ. Стадионга йиғилган минглаб мухлисларга бироз бўлса-да, завқ улашганимдан хурсандман. Энг муҳими, бу тадбирдан тушадиган маблағларнинг аёлларнинг саломатлигини тиклаш ва мустақамлаштиришига сарфланиши бизни янада қувватлади. Алишер УЗОҚОВ, киноактёр: — Бугун майдонда ҳаваскорлар тўп тепишди. Аммо уларнинг томошабинлар билан тўлиб-тошган стадионда копток ортидан югуришининг ўзи кишига бир олам қувонч улашади. Бундай ажойиб шоуда галаба қозониш эмас, аксинча қатнашишининг ўзи бир бахт. Биз агар бугун мухлисларга бироз бўлса-да шоду-хуррам-



Сарвар УРМОНОВ (ўз.) олган сурат.

лик улашган бўлса, ўзимизни жаҳон чемпиони бўлгандек ҳис этамиз. Асосийси, беморлар дардига малҳам бўлиш, уларни кунглини кўтариб эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган тадбир иштирокчиси бўлганимдан мамнунман. Равшан ЭРМАТОВ, ФИФА рефериси, «Ҳаёт учун!» хайрия футбол-шоуси бош ҳаками: — Футбол ҳам аслида бир спектаклга ўхшайди. Бугун унда ҳақиқий кино ва театр актёрлари, қўллаб-санъаткорлар уйинига гувоҳ бўлдик. Тўғри, улар профессионал футболчилар даражасида майдонда ҳаракат қилинмаган бўлса-да, йиғилганлар дилига қувонч улашди. Қолаверса, бундай футбол-шоуни

бошқариш биз ҳакамларга ҳам ўзига хос кўтаринки кайфият ҳада қилди. Фурсаддан фойдаланиб, барча аёлларимизга узок-умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Улар ҳеч қачон бемор бўлишмасин! Нозима ИКРОМОВА, томошабин: — Пойтахтимиздаги дорихоналардан бирида ишлайман. Аёл киши бўлсам-да, ашаддий футбол ишқибозиман. «Ҳаёт учун!» хайрия футбол-шоуси ҳақида эшитганимдан бери, бу тадбирни томоша қилиш ҳақида ўйлаётгандим. Шу боис, бугун иш кунини бўлса-да, ҳамкасбим Муқаддасхон Содикова иккимиз ишонадан руҳсат сўраб, атайлаб фарзандларимиз билан бир ерга ташриф буюрдик. Бизга

шундай ажойиб байрамни тортиқ қилганликларимиз учун тадбир ташкилотчилари ва иштирокчиларига ташаккур айтаман. Айниса, футбол-шоу томошаси чипталаридан тушадиган маблағларнинг кўкрак беги саратонига чалинган аёллар учун дори-дармон сотиб олиш ва уларни текширувдан ўтказиш бўйича ташкил этиладиган акцияларга йўналтирилишини эшитиб, янада хурсанд бўлдим. Бу тадбирлардан кўзланган беш мақсад ҳаёт учун, яшаш учун, соғ-саломат юришимиз учун эканлиги қалбимизда меҳр, муҳаббат, оқибат, яхшилик туйғуларини уйғотади. Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Спорт

## Руслан Кудаяв Лондон олимпиадасига боради

Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларининг бошланишига уч ойдан зиёдроқ вақт қолди. Айни пайтда мамлакатимиз спортчилари ер кўррагининг ҳар тўрт йилда ўтказиладиган мазкур нуфузли мусобақасига кўпроқ йўлланмаларни қўлга киритиш учун кураш олиб боришяпти.



Яқинда Япониянинг Такаяма шаҳрида қиличбозлик бўйича ўтказилган халқаро турнирда Лондон олимпиадаси йўлланмаси учун баҳслар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муносиб иштирок этишди. Жумладан, моҳир спортчимиз Руслан Кудаяв қиличбозликнинг шпага тури бўйича барча рақибларидан устун келиб, шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасига сазовор бўлди. Бу мамлакатимиз спортчиларининг Лондон олимпиадасига қирқ биринчи йўлланмасидир. Эслатиб ўтаемиз, бунгача жамоатларимиз веллосшосе, дзюдо, оғир атлетика, бадий гимнастика, бокс, эркин кураш, байдарка ва канозда эшак эшиш, енгил атлетика, таэквондо (ВТФ), спорт гимнастикаси, юнорум кураши, суэзи ва веллоспорт турлари бўйича XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш шарафига эга бўлишган эди. (Ўз муҳбиримиз)

Соғлом танда — соғ ақл

## ЮРТИМИЗДА ҚУРИЛАЁТГАН СПОРТ ИНШОТЛАРИ

халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга, фарзандларимизни баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда

Спорт — нафақат инсон танасини, балки унинг руҳиятини ҳам соғломлаштиради. Кайфиятини кўтаради. Ҳаётга, ишга, ўқишга бўлган муносабатини янада фаоллаштиради. Спорт билан шуғулланган бола марджасур бўлиб улғаяди. Турли ёт иллатлардан узоқлашади. Ҳақиқат ҳаётга соғлом нигоҳ билан қарайди. Бу борада мамлакатимизда бунёд этилаётган спорт иншоотлари муҳим аҳамиятга эга.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг 2-ТИПдаги спорт мажмуаси 2010 йил Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ушбу мажмуа барча зарур спорт анжумани билан таъминланди. Мажмуада алоҳида тренажёр зали ташкил этилди. Бу ерда юртимизда ишлаб чиқарилган 15 дан ортиқ спорт инвентар мавжуд. Спорт мажмуамиз нафақат институтимиз талабалари учун, балки атрофимизда жойлашган маҳаллаларда истикомат қилаётган аҳоли учун ҳам хизмат қилади. Ҳозирги кунда 14 та спорт тури бўйича секциялар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу спорт секцияларига аввало инс-

титутимизнинг жисмоний тарбия кафедраси малакали ўқитувчилари ҳамда пойтахтимизнинг бошқа муассасаларида фаолият юритаётган, маълум бир спорт тури бўйича мутахассисликка эга бўлган мурабийлар жалб этилган. Бу борада, айниса, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз. Жамғарма бизга янги спорт секцияларини очганимизда, мурабийлар билан таъминлашда доимо ёрдам кўрсатиб келмоқда. Биз шаҳар, республика миқёсида ўтказиладиган мусобақаларни ҳам қабул қилаямиз. Утган йил ноябрь ойида ушбу бўйича мамлакат чемпионати институтимиз спорт мажмуасида бўлиб ўтди ва унда ўзимиз-



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

нинг у-шў тўғрагимизда шуғулланаётган ёшлар ҳам иштирок этишди. Шу йилнинг февраль ойида Мирзо Улугбек туманида жойлашган кикбоксинг тўғрақлари мурабийлари билан келишган ҳолда спортнинг шу тури бўйича мусобақа ўтказдик. Яқин кунларда суэзи ҳавзамиз ишга тушади. У ердаги таъмирлаш ишлари деярли яқун-

ланди. Хуллас, институтимиз жамоаси ҳамда атрофдаги маҳаллалар аҳолисининг спорт билан шуғулланишлари учун таълим муассасамизда барча керакли шарт-шароитлар яратилган. Дилором МАМИРОВА, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси.

Футбол

## «ЧЕЛСИ» — ФИНАЛДА!

Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи Европа чемпионлар лигаси учрашулари ҳал қилувчи паллага кирди. Кеча мусобақанинг навбатдаги финалчилари аниқланди.

Ярим финалнинг дастлабки жуфтлиги жавоб ўйини кўпчилик учун қўтилмаган натижани тақдим этди. Унда амалдаги чемпион — Испаниянинг «Барселона» футболчилари ўз майдонидан Англиянинг «Челси» жамоасига қарши майдонга тушди. Бир ҳафта муқаддам Лондонда кечган дастлабки баҳсда мезбонлар 1:0 ҳисобида зафар қучишган эди. Шунга қарамай, кўпчилик жавоб ўйинида каталонияликлар галабасига ишонч билдиришаётган эди. Аммо Испанияда ўтган учрашудан бу тахминлар ўзини оқламади. Гари, ўйинда «Барселона» ва-

киллари рақиблари дарвозасини кетма-кет икки маротаба ишғол этган бўлсалар-да, лондонликлар майдонда бир футболчи кам бўлиб қолганиликларига қарамай ўйин охиригача ҳисобини тенглаштиришнинг удрасидан чиқди — 2:2. Учрашувда дунёнинг уч карра «Энг яхши футболчиси» деб топилган Лионел Мессе пеньальтини аниқ амалга ошира олмади. — Ушбу ақл бовар қилмас галабага футболчиларнинг катта маҳорати ва иштиёқи эвазига эришдик, — деди учрашувдан сўн «Челси» жамоаси бош мурабийи Роберто

ди Маттео. — Кўпчилик жамоамизни аллақачон голибликка даъвогарлар сафидан чиқариб ташлаганди. Устига-устак, биз биринчи бўлимдаёқ майдонда бир киши кам бўлиб ўйнашимизни кутмагандик. Бу ўйин тасаввур қилганимиздан-да қийинроқ кечгани рост. Биз ҳаммага «Челси» жамоаси нималарга қодир эканини кўрсатиб қўйдик. Кеча тунда ярим финалнинг иккинчи жавоб ўйини ўтказилди. Дастлабки турда ўз майдонда 2:1 ҳисобида галаба қозонган Германиянинг «Бавария» футболчилари «Реал» (Испания) жамоаси меҳмони бўлдилар. Мазкур жуфтлик голиби энди 19 май куни Германияда бўладиган финал баҳсида «Челси» жамоаси билан куч синашади. (Ўз муҳбиримиз)

Равшан ШОДИЕВ.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- |                      |                             |                    |
|----------------------|-----------------------------|--------------------|
| Abdulla ORIPOV       | Ulug'bek MUSTAFOYEV         | Muhammad MUXLIDDIN |
| Latif G'ULOMOV       | Tat'yana KISTANOVA          | MUHIDDINOV         |
| Bobir ALIMOV         | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Ochilboy RAMATOV   |
| Sharbat ABDULLAYEVA  | G'affor HOTAMOV             | Saidahmad          |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | RAHIMOV            |

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibiyat — 233-72-83, 236-35-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 446 17357 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.10 Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdurahob ABDUBANNONOVOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633



1 2 3 4 5